

Ҳаж сафари бошланди



09:16 / 23 май 576

2024 йил 23 май куни муборак ҳаж сафарини ният қилган юртдошларимизнинг дастлабки гуруҳи қалбда қувонч, тилда шукроналик билан муқаддас замин томон йўлга чиқишди.

Бўлғуси ҳожиларни кузатиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг дин ва миллатлараро муносабатлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Музаффар Камиллов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холикназар ҳазратлари, Дин ишлари бўйича қўмитаси раиси Содиқжон Тошбоев, шунингдек, таниқли уламолар, имом-домлалар, мутасаддилар ва ОАВ вакиллари Тошкент халқаро аэропортида жам бўлишди.

Муборак сафар олди муфтий ҳазратлари Аллоҳ таолонинг байти сари йўл олаётган зиёратчилар эсон-омон ҳаж амалларини бажариб, юртимизга соғ-саломат қайтиб келишларини сўраб дуолар қилдилар.

Шундай қилиб, орзулари рўёбидан ҳис-ҳаяжонга тўлган «**Ҳаж - 2024**» мавсумининг илк зиёратчилари Тошкент халқаро аэропортидан Саудия Арабистонига жўнаб кетдилар.

Эслатиб ўтамиз, зиёратчилар шу йилнинг 23 майдан то 7 июнга қадар

ҳаж сафарига кузатилади.

Мамлакатимизнинг 10 та ҳудудий аэропортидан зиёратчиларимиз тўғридан-тўғри Мадина шаҳрига ҳаж сафарига ҳар куни юборилади.

Барча парвозлар «**Uzbekistan Airways**» АЖ авиакомпанияси томонидан амалга оширилади.

Аллоҳ таоло ҳаж амалини адо этишга отланган юртдошларимизнинг сафарларини муборак қилсин, Байтуллоҳ ёнида дуо қилишни барчамизга насиб этсин!